2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 58(58), 2020 йил 14 апрель, сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда давлат раҳбарлари анъанавий дўстона ва самимий руҳдаги икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган амалий кўмак учун Мун Чже Инга самимий миннатдорлик билдирди. Хусусан, март ойининг охиридан мамлакатимизда кореялик профессор — эпидемиолог мутахассис фаол ишламоқда, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашмоқда. Шу ойда мазкур диёрдан юртимизга яна бир тажрибали мутахассис — анестезиолог-реаниматологнинг келиши кутилмоқда. Фуқароларимизни эвакуация қилиш ва зарур тиббиёт воситалари етказиш учун чартер рейслар ташкил этилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонда Корея тиббиётининг, жумладан, карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакасини ошириш борасидаги илғор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этдилар.

Икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт марказлари ўртасида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳалари ҳамда ушбу мамлакат Эксимбанки ва «EDCF» жамғармаси иштирокидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг амалга оширилиши таҳлил қилинди.

Савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони сезиларли даражада ортгани мамнуният билан қайд этилиб, бу ишбилармон доираларнинг ўзаро қизиқиши кучайиб бораётганидан далолат экани ҳақида якдил фикр билдирилди.

Ўтган йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Сеулда бўлажак учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари даражасида фаол мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

ЎзА

Кун мавзуси



Коронавирус пандемиясини жиловлаш ва оммавий ёйилишининг олдини олиш, касалликка чалинганларни тезкор ва самарали даволаш мақсадида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли юртимизда кун сайин соғаяётганлар сони ортиб, хушхабарлар кўлами кенгаймоқда. Жумладан, 13 апрель куни Андижон вилоятида 4 нафар, Наманган вилоятида эса 11 нафар бемор буткул тузалиб, қисқа муддатли реабилитация ўташ учун кузатилди.

ХУШХАБАРЛАР УМИД ВА ИШОНЧГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

юртимизда 85 НАФАР БЕМОР пандемиядан БУТКУЛ СОҒАЙДИ



Давоми 2-бетда

ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ХОНАЛАРИ ОЧИЛАДИ



"Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан:



- давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга **РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ** (Республика маркази);
- тиббиёт ОТМларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗЛАРИ** (Ҳудудий марказлар) **ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.**

ҲУДУДИЙ МАРКАЗЛАРДА ЎҚИТИШ соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича **ПУЛЛИК АСОСДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**, ўқитиш **ҚИЙМАТИНИНГ МИҚДОРИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИ.**



Республика марказининг асосий вазифаларидан бири **ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ**, ташхис қўйиш ва даволашнинг самарадорлигини **ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ЎРГАНИШДАН ИБОРАТ.**





Республика маркази **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИГА КИРАДИ** ва унга ҳисобдор бўлади.

Ҳудудий марказларнинг битирувчиларига халқ табобати бўйича малака оширганлик тўғрисида расмий ҳужжат деб тан олинадиган белгиланган шаклдаги **СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ.**

РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИГА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ТОМОНИДАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БИЛАН КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАНАДИГАН ва лавозимидан озод этиладиган **ДИРЕКТОР РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ.**



Халқ табобати бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларга Вазирлик томонидан тасдиқланадиган шаклдаги **ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ТЕГИШЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.**



2020 йил 1 майдан туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ҳамда НОДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ХОНАЛАРИ ОЧИЛАДИ.

Халқаро ҳамкорлик

УМУМИНСОНИЙ МУАММОГА БАҒИШЛАНГАН САММИТ

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори, Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори



Инсоният рўбарў бўлиб турган жиддий хатар — коронавирус пандемияси жамиятнинг барча соҳаларини бирдек синовдан ўтказмоқда. Табиийки, халқаро алоқалар ҳам бугунги жараёнларнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Давлатлар, халқаро ташкилотлар, корпорациялар ва минг-минглаб бошқа муассасалар ўртасидаги хилма-хил муносабатлар йўлида кутилмаганда, катта тўсиқлар пайдо бўлди. Айтиш мумкинки, айни кунлардаги воқелик энг эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун таъсис этилган турли тузилмаларнинг ҳаётийлигини имтиҳон қилмоқда.

Давоми 2-бетда

Муносабат

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР муҳофазаси янада кучайтирилади

Робахон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Қадимдан гиёҳларнинг даволовчи ва қувват берувчи хусусиятларидан хабардор кишилар уларни турли хасталикларни даволашда қўллаган. Бу борада кўплаб рисолалар ёзиб қолдирилган. Шарқ, хусусан, ўзбек халқ табобати ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга. Ал-Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Синодек мутафаккир олимларимиз томонидан табобатда қўллашга тавсия этилган доривор гиёҳларнинг деярли барчасини ўлкамиз табиатида — чўл-адирлар ва тоғ ёнбағирларида учратиш мумкин.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, улар етиштириладиган плантацияларни ташкил этиш ва қайта ишлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланилмоқда.

Давоми 5-бетда

Президентимиз онлайн видеосаммитдаги нутқида бугун дунёнинг барча мамлакатлари қаторида минтақа давлатлари учун ҳам бениҳоя хатарли муаммо — коронавирус пандемиясига қарши курашда тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш мақсадида Туркий кенгаш доирасида эпидемиологик вазиятни мониторинг, таҳлил ва прогнозлашнинг доимий фаолият юритувчи тизимини яратишни таклиф этди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 апрель, 58-сон



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — халқаро экспертлар нигоҳида

Коронавирусга қарши изчил ижтимоий-иқтисодий чоралар кўрилаётгани Ўзбекистоннинг бу касалликка қарши жиддий курашаётгани далолатидир

Янги турдаги COVID-19 вирусига қарши курашнинг алоҳида ёки якка тарзда амалга оширилиши самарасиз эканини пандемия билан боғлиқ бугунги вазият яна бир бор тасдиқламоқда. Шу боис, халқаро ҳамжамият ушбу офатга қарши туриш ва унинг тарқалишига чек қўйиш мақсадида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилмоқда. Хусусан, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши давлатлари раҳбарларининг навбатдан ташқари саммити ҳам бунга мисолдир.

— Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия ва Озарбайжон билан бир қаторда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддиларининг иштирок этиши коронавирусга қарши олиб борилаётган курашнинг миқёси ва кўлами кенглигини яна бир бор тасдиқлади, — **дейди Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Колин ДЮРКОП.** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур саммит доирасида коронавирусга қарши курашишда тезлик билан бирлашиб, халқаро кўламда мувофиқлаштирилган техник, ижтимоий ва иқтисодий чоралар кўриш бўйича амалий ташаббуслар илгари сургани Ўзбекистоннинг бу касалликка қарши жиддий кураш олиб бораётганидан далолатдир.



Ўзбекистоннинг мазкур касалликни тезроқ енгиш ва унинг кенг тарқалиши олдини олиш мақсадида зарур чораларни кўраётгани, мамлакат аҳолиси саломатлиги, унинг иқтисодиётини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлардан тортиб, жамоат жойларида ҳаракатланишни тартибга солишгача бўлган ишлари эътирофга муносибдир.

Касалликка қарши курашишда қисқа муддатда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, янги ихтисослаштирилган шифохона ва карантинда сақлаш масканларининг барпо этилишини оқилона қарор, деб биламиз.

Ишончим комилки, биз, дунё халқлари яқин фурсатларда бу оғир кунларни ортда қолдирамиз ва касалликни енгиб ўтамиз. Бунда эса бизнинг дўстлик жамиятимиз Ўзбекистон халқи билан ёнма-ён туриб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди!



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус тарқалиши хавфи авж олмасдан аввал бир неча маротаба ушбу мавзуда халққа мурожаат қилди, — **дейди ХХР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой халқаро муносабатлар академияси Евроосиё институтининг директори Ли ЦЗИГО.** — Мамлакатда COVID-19 касаллиги тарқалишининг олдини олишга бағишланган амалий учрашувлар ўтказди, бу борадаги жуда муҳим қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва бу касалликка чалинган беморлар саломатлигини тиклаш учун мамлакат раҳбарияти томонидан техник салоҳиятни кучайтириш, яъни зарур тиббий воситаларни нафақат хориждан келтириш, балки уларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлида олиб борилаётган ишлар, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир.

Таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон раҳбарияти COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва касалликка чалинган беморлар саломатлигини тиклаш йўлида ўз вақтида ва барча зарур чораларни қабул қилаётгани туфайли мамлакатдаги эпидемиологик вазият ишончли назорат остида турибди.



— Барчамиз учун синовли кунларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев беларусь халқига дўстона ёрдам йўллади ва бундан бизнинг бошимиз кўкка етди, — **дейди педагогика фанлари доктори, академик Аркадий ШКЛЯР.** — Ўзбекистоннинг ушбу ёрдами дунёнинг барча давлатлари ўзи кўмакка муҳтож бўлиб турган бир пайтда кўрсатилди. Ана шундай қийин дамларда Ўзбекистоннинг беларусь халқига ёрдам қўлини узатгани мисолида ўзбек халқининг буюклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи Беларусь, Украина ва Россиянинг босиб олинган ҳудудларидан эвакуация қилинган минглаб кексалар, хотин-қизлар ва болаларни қучоқ очиб кутиб олганини яхши эслаймиз. Ўзбеклар турли миллат вакилларини ўз жигарлари каби қарши олиб, уйларига олиб кетган ва сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган.

Бугунги кунда халқларимиз Буюк ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида ва шу топда бошимизга яна бир кўринмас офат келди. Ўзбек халқи эса ўзи ҳам ана шундай қийинчиликни бошдан кечириб турган бўлса-да, яна бир бор биродарлик, инсонпарварликка намуна кўрсатиб, беларусь қадрдонларига ёрдам берди. Айни дамда ўз ҳисларимни сўз билан ифодалашдан ожизман. Аммо бир жиҳатни қайд эта оламан: "Халқингиз ва Президентингизга чексиз ҳурмат ифодаси сифатида таъзим қиламиз!"

"Дунё" АА

Халқаро ҳамкорлик

УМУМИНСОНИЙ МУАММОГА БАҒИШЛАНГАН САММИТ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида кўплаб халқаро тузилмалар аъзосидир. 2009 йилнинг 3 октябрида Нахичеванда таъсис этилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ёки Туркий кенгаш ана шундай халқаро ташкилотлардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлик, жумладан, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, туризм соҳаларидаги ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, аъзо мамлакатлар жойлашган минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Дастлаб Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон каби давлатлар қўшилган ушбу нуфузли ташкилотга 2019 йилнинг 16 октябрида Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиб кириши охирги йилларда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар қандай халқаро ташкилотга киришнинг мақсадга мувофиқлигини асослашда ташқи сиёсатимиз моҳиятини белгилайдиган бош омил миллий манфаатлар эканини такрор ва такрор таъкидлайди.

Айтиш жоизки, мазкур мақсадни рўёбга чиқариш учун охирги йилларда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолиятини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Шу маънода, Туркий кенгаш ана шундай сиёсатни ҳаётга татбиқ этишнинг таъсирчан платформаларидан бири вазифасини ўтамоқда.

Туркий тилли давлатлар кенгашининг жорий йил 10 апрелда бўлиб ўтган видеоконференция шаклидаги навбатдан ташқари саммити халқаро ҳамжамиятнинг энг ташвишли масаласи — коронавирус пандемиясига қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга бағишланди. Зеро, кўз илғамас ёвнинг таҳдиди унга қарши курашни бугунги барча муаммолардан-да кўра, долзарброқ масалага айлантираётгани айни ҳақиқатдир.

Ана шундай оғир дамларда маданияти ва қадриятлари муштарак халқларнинг ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, туркий халқлар сиёсий иродасининг ифодаси бўлган ушбу саммит натижаси Туркий кенгашга аъзо давлатлар, шунингдек, саммитда иштирок этган кузатувчи давлат — Венгрия, қолаверса, Туркманистоннинг тегишли муассасалари, биринчи навбатда, соғлиқни сақлаш тизимлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштиради.

Президентимиз онлайн видеосаммитдаги нутқида бугун дунёнинг барча мамлакатлари қаторида минтақа давлатлари учун ҳам бениҳоя хатарли муаммо — коронавирус пандемиясига қарши курашда тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш мақсадида Туркий кенгаш доирасида эпидемиологик вазиятни мониторинг, таҳлил ва прогнозлашнинг доимий фаолият юритувчи тизимини яратишни таклиф этди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари, мутахассислар ва экспертлар учун зудлик билан видеоконференциялар ташкил этиш, аҳолини озиқ-овқат, тиббий ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда алоҳида аҳамиятга молик халқаро транспорт ташилмаларини қулайлаштириш, Туркий кенгаш аъзолари ўртасида коронавирус ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашишга қаратилган самарали ҳамкорлик механизмларини яратиш ҳамда биргаликдаги тадқиқотларни амалга ошириш, пандемияга қарши кураш бўйича миллий штаблар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун махсус гуруҳни ташкил этиш, касаллик оқибатларини юмшатиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақомини янада ошириш ва унинг вазифалари доирасини кенгайтириш, ушбу халқаро ташкилот ва Туркий кенгаш ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги ҳақидаги амалий таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбарининг таклифлари саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди ва унинг якуний ҳужжати — Боку декларациясида ўз ифодасини топди. Мазкур ҳужжат эндиликда туркий мамлакатларнинг коронавирус ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашишдаги сиёсий платформаси ва ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Туркий кенгашга аъзо давлатлардаги мутасадди ташкилотлар зудлик билан Боку декларациясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ўзаро келишилган йўл хариталарини шакллантиришга киришди. Зеро, умумий душманга қарши курашнинг натижаси, биринчи навбатда, мамлакатларнинг ҳамжиҳатлиги билан бевосита боғлиқдир. Зеро, Президентимиз ўз нутқини: "Ушбу хатарли пандемияни ҳеч бир давлат якка тарзда енга ололмаслигини барчамиз яхши тушунамиз. Ўзаро бирлик, ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойиллари барча ишларимизнинг дастуриламали бўлиши лозим. Биз биргаликда кўп нарсаларга қодирмиз", деган сўзлар билан якунлаганида чуқур рамзий маъно бор.

Бугуннинг гапи

ТИРИКЛИК КАРВОНИ МАНГУ БАРДАВОМ

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари



Инсоният тарихи мудом синовлардан иборат бўлиб келган. Муқаддас китобларни варақлаймизми ёки тарих китобларини ўқиймизми, одамзод турфа имтиҳонларга тутилганини ва бу синовлардан имони бутун, иродаси мустаҳкам қавмлар ёруғ юз билан ўтиб олганига амин бўламиз.

Бугун — XXI асрнинг бешдан бир бўлаги ўтиб бораётган бир паллада, одам боласи "Энди мен билмаган, мен еча олмайдиган ҳеч бир масала қолмади", деган даъво соясида бироз хотиржамликка берилган чоғда замин бўйлаб янги синов саволлари кўз илғамас зарралар шаклида тарқалганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу синов қаршисида манаман деган, шу пайтга довур дунёга ўз сўзини ўтказиб келаётган давлатлар ҳам довдираб қолгани, саросима ичида чора излаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Негаки, бу курашда коинотнинг олис буржларига қадар етиб бора олгувчи қуроллару Она Ер бағридан ситиб олинган бойликлар эвазига тўпланган катта сармоялар ҳам ҳадеганда иш беравермаслиги аён бўлиб қоляпти.

Бу синов қаршисида манаман деган, шу пайтга довур дунёга ўз сўзини ўтказиб келаётган давлатлар ҳам довдираб қолгани, саросима ичида чора излаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Негаки, бу курашда коинотнинг олис буржларига қадар етиб бора олгувчи қуроллару Она Ер бағридан ситиб олинган бойликлар эвазига тўпланган катта сармоялар ҳам ҳадеганда иш беравермаслиги аён бўлиб қоляпти.

Беихтиёр хаёлимизга академик шоиримиз, устоз Ғафур Ғуломнинг умрбоқий мисралари келади:

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Ҳа, энг кичик заррадан то Марсу Юпитергача бўлган жамики сайёраларга мураббийлик қилиб турган Буюк Қудрат Соҳибига кўз тикиб, одамизод нажот тилаб турибди бугун. Хўш, нажот нимада? Жавоб оддий — тартиб-интизом ва покликда. Асрлар бўйи ўзбек халқи амал қилиб келган, кундалик ҳаётининг бош тамойили деб билган тўғри яшаш мезонлари ҳамда қалб ва вужуд поклигигина бугун инсониятни ажал чангалидан қутқариб қолади.

Саодат мезонлари ва покликдан дунё аҳлига сабоқ бериб келган улуғ аждодларнинг вориси бўлган халқимиз бугун ҳам бошқаларга ўрнак бўляпти, десак ҳақ сўзни айтган бўламиз. Бу борада, шубҳасиз, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимизнинг якдиллиги, ўзаро жипслиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ушбу хатарли вирус сарҳадларимизга яқинлашган чоғданоқ, давлатимиз тезкорлик билан зарур чораларни кўрди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев элимизнинг саломатлигини асраш йўлида бор имкониятларимизни ишга солиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга аниқ кўрсатмалар берди. Шу асосда мамлакатимизда карантин талабларига мувофиқ қатъий тартиб ўрнатилди. Қисқа муддатда амалдаги қонунчилик талаблари кўриб чиқилиб, ҳуқуқий асос яратилди. Соғлиқни сақлаш тизими қўллаб-қувватланиб, энг малакали мутахассислар сафарбар этилди. Жараёнга илғор давлатларнинг тажрибали шифокорлари ҳам жалб қилинди. Махсус тиббиёт масканлари ва карантин ҳудудлари ташкил этилди. Ишхона ва муассасаларнинг фаолияти масофавий онлайн тизимга ўтказилди. Хавфли касаллик бўйича аҳолининг маърифий билимини ошириш учун оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилди. Юртдошларимизни хавфсиз озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш чоралари кўрилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизим шакллантирилди. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги масъулиятли паллада давлатимиз халқимизни соғу саломат сақлаб қолиш учун нима қилиш керак бўлса, ҳаммасини қисқа фурсатда, энг муҳими, жамоатчилик орасида ваҳима тарқалишига йўл қўймасдан, оқилона равишда амалга оширилди.

Халқимиз ҳам эзгулик йўлидаги баъзи муваққат чекловларни тўғри тушуниш ҳисси ва давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларни миннатдорлик билан қабул қиляпти. Одамларимиз давлат томонидан кўрилаётган ҳар қандай чора ўз фойдаларига эканини англаб турибди. Оқсоқолларимиз қони қайноқ ёшларимизга керакли насиҳатларни бериб, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни сақламоқда. Бутун халқ вазиятни ичидан ҳис қилмоқда. Энг муҳими шу. Давлат билан халқнинг кўнгли бир бўлган мамлакат аҳли ҳар қандай синову курашдан эсон-омон ўтиб олиши муқаррар.

Карантин талабларига риоя қиляпмиз, шу билан бирга, ҳаёт давом этяпти: кўклам замини ерга тезроқ уруғ қадаб, парвариш қилишни сўраяпти, бозорларимиз одатдагидай маҳсулот талаб қилиб, буюртмалар беряпти. Бу табиий ҳол — тириклик карвонига ҳеч қандай дунёвий куч тўсқинлик қилолмайди, у ўз мароми бўйича мангу ҳаёт йўлидаги музаффар юришини давом эттираверади.

Ҳар куни кечқурун қишлоққа — ҳолаҳвол сўраш учун ота-онамга қўнғироқ қиламан. Одатдаги салом-аликдан сўнг кун воқеалари ҳақида гурунглашамиз.

— Худога шукр, — дейди дадам, — қишлоқда ҳамма яхши... Президентимизга раҳмат, вақтида касалликнинг йўлини тўсиб, халқимизнинг кўнглини хотиржам қилди. Карантинга амал қиляпмиз-ку, лекин кетмонни ҳам ташлаб қўйганимиз йўқ. Қўлқопу ниқобларни тақволиб, ҳамма далага отланган. Ахир, ҳозир ишламасак, вақтида экинтикин қилмасак, эртага бозоримизни ким тўлдиради?!

— Тўғри. Лекин... об-ҳаво ҳам сал ноқулай келди-да бу йил. Қор ёғиб, картошка палакларини ҳам совуқ уриб кетган бўлса керак, — дейман қишлоқ аҳлининг меҳнатига ичим ачиб.

— Энди, бу ҳаммага келган тўй. Қору дўлни бу йил кўраётганимиз йўқ, ўғлим. Худонинг иши бу — бир нарса десак, ношукурлик бўлади. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади...

Дадамнинг хотиржамлиги менга — энди таскин-далда беришга чоғланиб турган кишига қувват бағишлайди. Кўнглим ёришади. Халқимизнинг иродаси, имони биз, зиёлилар ўйлагандан кўра, бақувват, мустаҳкамроқ эканини теранроқ англаб етгандай бўламан.

Қишлоқ-ку, майли, кенг жой, кўчага деярли чиқмаётган бўлсак-да, кўп қаватли уйлардаги илгари торроқ туюлган хонадонларимиз ҳам бугун кенгайиб қолгандай: чунки эрталабдан то кечгача кунни мазмунли ўтказиш мақсадида аниқ режа ишлаб чиққанмиз. Белгиланган соатда дастурхон атрофида йиғиламиз, муайян вақтда биргаликда китоб ўқиймиз, аниқ вақтда телевизор томоша қиламиз, махсус соатда маърифий суҳбат қурамиз, оралиқда — биз масофавий иш билан, болалар онлайн дарс билан машғул бўлади: чин маънода аҳил оилага айланганмиз.

Шундай ҳикмат бор: "Ким кўлмакка қараб, унда акс этган қуёшу ойни, ким бир парча лойни кўради". Албатта, дунё бўйича миллионлаб одамларнинг ҳаётига хавф туғдираётган хатарли синовни ёқлаб, уни ижобий ҳодиса сифатида талқин қилиш ўринсиз. Аммо уни лаънатлаб, айюҳаннос солгандан ҳам фойда йўқ. Бу нозик ва қалтис имтиҳондан эсон-омон ва маънан фойда кўрган ҳолда чиқишга уриниш — соғлом ақл талабидир. Бугун Ўзбекистонда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида ана шу эзгу интилиш, маслак турибди.

Кун мавзуси

ХУШХАБАРЛАР УМИД ВА ИШОНЧГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

юртимизда 85 НАФАР БЕМОР пандемиядан БУТКУЛ СОҒАЙДИ



Бошланиши 1-бетда

Аввалроқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятлари юқумли касалликлар шифохоналарида пандемия билан оғриган беморларнинг батамом соғайгани ҳақида хабар берганди. Шу билан айни пайтда юртимизда коронавирус инфекциясидан шифо топганлар сони 85 нафарга етди.

— Давлатимизнинг инсонпарварлиги туфайли чартер рейс орқали хориждан келиб, карантинга олингандим. 25 март куни таҳлиллар менда коронавирус инфекцияси мавжудлигини кўрсатди ва вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилдим, — дейди тузалган беморлардан бири. — Шифохонада ўтказган кунларим бир умрлик сабоқ бўлди мен учун. Давлатимизнинг ғамхўрлигини чуқур ҳис этдим. Чет элда бу вирусга чалинганларни даволаш учун беморлардан катта миқдорда пул талаб қилингани ҳолда юртимизда мен каби хасталанганлар текин, беминнат шифо топаётгани инсон манфаатлари, қадр-қиммати улуғланаётганининг яққол далилидир.

Қисқа муддатда бундай салмоқли натижага эришишда даволаш жараёнида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, шунингдек, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой сингари тиббиёти ривожланган давлатларнинг малакали мутахассислари тавсияларидан самарали фойдаланилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги раҳбари Баҳром Алматовнинг қайд этишича, мамлакатимизнинг барча карантин ҳудудидаги аҳоли хавф гуруҳлари орасида лаборатория текширувлари кучайтирилмоқда. Шу пайтгача юртимиздаги мавжуд вирусологик лабораторияларда 102 мингга яқин тест синови ўтказилган. Лабораторияларда етарли даражада тест тизимлари захираси мавжуд. Таҳлиллар 24 соатлик иш режимида олиб борилмоқда.

Яндекс тизимининг "Ўз-ўзини изоляциялаш" индексига кўра, Тошкент шаҳрининг деярли 100 фоиз аҳолиси ўзини ўзи иҳоталашга эришган. Пойтахт учун бу кўрсаткич максимал 5 баллдан 4,5 баллни ташкил этмоқда. Ушбу халқаро тажриба COVID-19 га қарши курашда энг самарали усул ҳисобланади.

Х.АБУЛФАЙЗОВ

Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқида таъкидлаганидек, "Бунинг учун ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим".

Тил — миллат кўзгуси

ВАТАНГА ЭҲТИРОМ ВА САДОҚАТ ИФОДАСИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунини имзолади

Қулман ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси



Мустақил мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида "Ўзбек тилининг дўстлари" клубларини ташкил этишга киришилгани ҳам давлат тилини ривожлантириш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш масалаларига юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун — 21 октябрь санасининг "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислоҳотларнинг юксак самараси, мустақил Ватанимиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир.

Ушбу муҳим ташаббус давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрь куни қабул қилинган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ўз ифодасини топган эди.

Ўзбек тили ўзининг қадимий ва бой тарихида ҳеч қачон давлат ва жамиятнинг бугунгидек юксак эъзоз-эътибори ва ғамхўрлигига сазовор бўлмаган. Бу "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" дадил қадам қўйган Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг юксак самарасидир.

Ушбу фармонга биноан, она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида, Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида департамент, бу янги тузилма ташаббуси билан эса Атамалар комиссияси ташкил этилганининг ўзи фикримизнинг яққол далили.

Фаолияти миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, барча соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш, бир хил қўлланишини таъминлашга доир ғоят долзарб вазифаларга қаратилган мазкур комиссия ўз ишини жадал бошлаб юборгани сезилди.

Айни пайтда, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори билан барча давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича масъул ваколатли вакиллари бор. Уларнинг зиммасига кўплаб юксак вазифалар қаторида, жумладан, жойларда "Ўзбек тили байрами куни" айёмини юксак савияда ташкил этиш ҳам юклатилган. Бундай ташкилий, ҳуқуқий ва илмий-ижодий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бир мисол. Илгари оммавий ахборот воситаларида давлат тилига оид материаллар — мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар онда-сонда, кўпинча 21 октябрь арафасида пайдо бўлиб қолар, кейин йил-ўн икки ой гўё унутилар эди.

Энди бу иш ҳам мунтазамлик касб этаётгани яққол сезилмоқда. Хусусан, "Янги Ўзбекистон" газетасида махсус рукн очилиб, ранг-баранг мақолалар мунтазам бериб борилаётгани ва улар қўлма-қўл ўқилаётгани, бошқа кўплаб нашрларда, ижтимоий тармоқларда кўчириб босилаётгани, баҳс-мунозаралар қўзғатаётгани, жамоатчиликнинг кенг эътирофига сазовор бўлаётгани қандай яхши!

Мустақил мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида "Ўзбек тилининг дўстлари" клубларини ташкил этишга киришилгани ҳам давлат тилини ривожлантириш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш масалаларига юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

"Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонуннинг айнан 10 апрель — халқимиз эрки ва озодлиги йўлида жон фидо этган буюк адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий туғилган кунда имзоланишида ҳам катта ҳикмат ва маъно бор. Бу — она тилимизнинг имкониятларини осмон қадар юксалтирган сўз санъаткорига юксак эҳтиром белгисидир.

Ўзбек тили байрами она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтириш айёмидир. Айни пайтда ушбу байрам ўзбек тилини ўқиб ўрганиш, тарғиб қилишдан чарчамайдиган, унинг софлиги, бойлиги ва нуфузини янада юксалтириш учун қайғурадиган, курашадиган ҳар бир инсоннинг байрамидир. Ер юзида ўзбек тилида сўзлашадиган қарийб 50 миллион кишининг байрамидир.

Янги байрамимиз давлат тилининг Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг севимли тилига, маънавий эҳтиёжига, фахр-ифтихорига, Мустақиллик, Наврўз айёмлари сингари умумхалқ байрамига айланишига шубҳа йўқ.

Фармонда таъкидланганидек, истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган, бирлаштирадиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Давлат тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланмоқда. Эндиги масала унинг қўлланиш кўламини кенгайтириш, халқаро нуфузини янада оширишдан иборат.

Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқида таъкидлаганидек, "Бунинг учун ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак".

Мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган улуғвор ишлар нафақат юртимиз, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам кенг эътибор ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

Буни Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимига давлат тилини кенг ва фаол жорий этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2019 йили сайловларни ўтказиш борасида истиқлол йилларида орттирилган бой миллий тажриба, халқаро меъёр ва андазалар асосида ишлаб чиқилиб, умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига мос, лисоний жиҳатдан пишиқ-пухта, иччам ва ёхлит шаклда қабул қилинган Сайлов кодекси бунинг ёрқин далилдир.

2019 йилнинг 22 декабрида "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида бу ўзининг яққол ифодасини топди.

"Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тарихий адолатнинг тикланиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мудроқ тафаккурлар уйғонмоғи керак

Нурбой ЖАББОРОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор



Эл бошига иш тушган, бутун башарият кўринмас вабо билан курашаётган, одамлар тинчлик ва хотиржамлик нечоғлик улуғ неъмат эканини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ҳис этиб турган таҳликали вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев тарихий аҳамиятга молик қонунни имзолади. "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги бу қонун миллатимиз учун ҳаётмамот масаласи ҳисобланган она тилимизга бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир намунасидир. Зеро, миллий тил миллатнинг руҳидир, унинг тириклик шартидир.

Ҳар қандай вабо муайян қатлам ҳаётига хавф солса, "миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдир" (Абдулла Авлоний таъбири — Н.Ж.). Шу жиҳатдан қаралса, ушбу қонуннинг аҳамияти Ватанимиз, миллатимиз учун қанчалик қадрли эканида аён бўлади.

Тангри давлат қуёшини миллатимиз кўрғонларидан кўкка чиқариб, уни барчадан устун ва ер юзига ҳоким қилгани, унга ҳақиқат йўлида курашмоқ учун куч бергани, унинг ҳамкорлари ҳамда тарафдорларини азиз ва мукаррам этгани ҳақида ёзган буюк Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит-турк" орқали она тилимизга тенгсиз обида бунёд этган, унинг шуҳратини оламга ёйган эди. Ҳазрат Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида бу тил "асл тилларнинг маншаъи", яъни дунёдаги асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлганини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлагани тафаккур аҳлига кундай аён. Миллатимиздан етишган не-не улуғ мутафаккирлар беназир асарлари билан тилимизнинг нақадар бой ва ифода имконияти қанчалик кенг эканини дунё халқлари кўз ўнгида яққол намоён этган эдилар. Лекин таассуфлар бўлсинки, тарихий илдизлари қадимият булоқларидан сув ичган, дунё тамаддунининг чорраҳасида келган, инсониятнинг илму урфон бешигини тебратган она халқимиз қисматида оғир синовлар ҳам бўлди. Миллатнинг истибдод исканжасига тушиши, тараққиёт ўрнини таназзул эгаллаши она тилимиз ривожига ҳам акс таъсирини кўрсатмай қолмади. Бунинг салбий оқибатларини ҳатто бугунги кунда ҳам сезиб-кўриб турибмиз.

"Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир". Бундан роппа-роса бир юзу беш йил олдин "Ойна" журналида босилган мақоласига улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ана шундай сарлавҳа қўйган эди. Ҳиммат — Ватан ва миллат равнақи учун, миллий тил тараққиёти учун зарур бўлганда, молу жонни нисор эта олмоқ. Сабот — миллатнинг шаъни-шарафи, ори-номуси тимсоли бўлган она тили ривожи йўлида метин иродани намоён қила билмоқдир. Башариятга маърифат ва ахлоқдан, ҳиммат ва саботдан дарс берган буюк мутафаккирлар вориси эканимиз аён. Лекин ворислик ҳақи бу ҳақда жар солиш билангина адо этилмас. Ворислик ҳуқуқига қуруқ даъволар билан эришилмас. Бунинг учун аждодлар меросини қунт билан ўрганмоқ, тафаккур этмоқ, илму урфонда улар эришган оламшумул ютуқларни янгилари билан муттасил суратда бойитмоқ зарур. Президентимиз имзолаган мазкур қонун шу йўлдаги яна бир залворли қадамдир.

Тўғри, она тилимиз мавқеини юксалтириш йўлида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Тилимизнинг бугунги замон билан ҳамқадам ривожланиши учун камида қуйидаги тўрт омил талаб этилади: 1) она тили тақдири учун куйиниш ҳисси миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчиши; 2) тил илмининг миллий негизда ривожланиши; 3) замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши; 4) миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнақи.

Аждодлар меросини қунт билан ўрганмоқ, тафаккур этмоқ, илму урфонда улар эришган оламшумул ютуқларни янгилари билан муттасил суратда бойитмоқ зарур. Президентимиз имзолаган мазкур қонун шу йўлдаги яна бир залворли қадамдир.

Энг аянчлиси, мустамлака замонларидан бизга ўта ёмон бир иллат мерос қолди: ўзга тилда фикрлаб, ўша тил қолипида сўзлайдиган, ташқаридан қараганда, ўзбекчага ўхшаса ҳам аслида миллатнинг руҳига ёт нуқтада сўзлайдиган "зиёли"лар (аслида "зиёнлилар") қатлами шаклланди. Ўзбек тили илмини хорижий тилшунослик андозаларига солиб, улардаги тайёр назарий қолипларга ўзбекча мисоллар топиб, илмий даража даъво қиладиганлар пайдо бўлди. Тилимизнинг ахборот дастурини яратиш йўлида энди-энди дастлабки қадамлар ташланяпти, холос. Президентимиз раҳнамолигида улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганига қарамай, муаммолар кўп эканига бошқа сабаблар ҳам топилади...

Миллат тарқоқ ҳолда тараққий эта олмайди. Глобал дунёдаги бугунги шароит замон билан ҳамқадам юрмоқни, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни, буюк мақсадлар йўлида тараққиёт суръатига мос сафарбар бўла билмоқ салоҳиятини тақозо этади. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси ҳам бор, деганларидек, бугун жаҳонни ларзага солиб турган даҳшатли вабо аксар одамларнинг занг босган ақл кўзларини очиб юборди. Мудроқ тафаккурлар уйғоняпти. Миллат яхлит организм сифатида бирлашмоқда. Мамлакат парламенти ишлаб чиққан "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун давлатимиз раҳбари томонидан ана шундай тарихий шароитда имзоланди. Умид қиламизки, бу қонун она тилимиз тараққиёти йўлидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда мустаҳкам ҳуқуқий замин вазифасини ўтайди. Миллатнинг нурли келажаги йўлида барчамизни бирлаштиради.

Ғоят кўҳна ва барҳаёт тилимиз тантанаси

Исажон СУЛТОН,
Инновацион ривожланиш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси



Миллатимиз фидойиси Абдулла Қодирий бобомизнинг таваллуд кунларида "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун имзоланди. Унга кўра, 21 октябрь санаси Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди. Эндиликда у Мустақиллик байрами каби залворли, нодир ва жонбахш, халқнинг ва давлатнинг қонуний байрамига айланди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида унинг кенг кўламда, тантанали нишонланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Буни она тилимизнинг ҳаққоний тантанаси, давлатчилик анъаналаримизнинг юксак тараннуми, десак арзийди.

Ғоят кўҳна ва барҳаёт тилимизнинг қудратини халқ достонларимиз баралла куйлаган, Маҳмуд Кошғарий бобомиз сўзма-сўз кўрсатган ва ҳазрат Алишер Навоий уни энг юксак санъат даражасига кўтарган бўлса, ўтган аср бошларида, қутлуғ Туркистон тупроқлари мустамлака зулматига чўмар экан, ватанпарвар зиёли боболаримиздан Элбек алам ва изтироб билан мана бу сатрларни битган эди:

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англат,
Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?
Булбул каби сайраб турган бу тилни
Уялмайин бу ўлкадан отғучи?
Болдай тотли, жондан азиз туркчани
Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

Жадид боболаримиз мустамлака билан бирга бу элнинг ақлу тафаккурига, маънавиятига ва она тилига келадиган зулму ситамларни ақл кўзи билан кўратуриб, шундай ўтли сатрларни битган.

Нега ўзбек тили эмас, турк тили деб ҳайрон бўлманг. Амир Темур бобомиз "Бизким, мулки Турон амири Туркистонмиз. Миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз" деб, халқимизни туркийларнинг бош бўғини деб атагани бежиз эмас, чунки шу қутлуғ тупроқ аксарият туркий халқларнинг ота юрти, тилимиз эса ота тили ҳисобланиб келган.

Афсуски, мустамлака даврида гоҳ ўзгалар, гоҳ ўз кишиларимиз камситиб, менсимай келган шу жонажон ва ўлмас тил янгиланаётган Ўзбекистоннинг кун талабларидан ортда қола бошлаган эди. Миллат қандай кун кўрган бўлса, бу унинг тилида акс этади, деган гап бор. Ўзбек тилимизнинг бугунги ҳолатига қарасак, гўё тарихга ва муайян давр кишиларининг ўй-тафаккурига назар ташлагандек бўламиз. Кейинги асрлардаги илм-фан ва технологиялардаги ўзгаришлар бизда содир бўлмагани учун ёт терминлар ва атамалар тилимизга кириб келди, деб ҳисоблайдиганлар ҳам анчагина. Бу гапда бир ҳисобдан жон бор, чунки нафақат ўзбек тили, балки бошқа халқлар ҳам ривожланган мамлакатлар фанидаги атамаларни олишга мажбур бўлгани ҳақиқат. Қаранг, илм-фан бир мамлакатни қанчалар юксалтириб қўяр экан! Мисол учун, замонавий технологиялардаги, хусусан, компьютер дастурларидаги барча сўзлар инглиз тилида ва бошқа тилларга ҳам шундайича кўчиб ўтган. Тил ҳам тарих сингари мамлакат ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини намоён қилиб туради.

Ўзга тиллардан сўз кириб келиши бир ёнга-ю, бироқ ўзимиз-чи? Ота-онамиз, суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, "етмиш етти пуштимиз" сўзлашган шу гўзал тилга муносабатимиз қай даражада? Уни асраб-авайлаб, шаъну ҳурматини ўз ўрнига қўйяпмизми ёки замонавий тўс-тўполонлар забтида эътиборсиз қолдиряпмизми? Афсуски, маънавий-миллий ўзликни асраш ва юксалтириш борасида бонг урилаётган бир пайтда унга эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳоллари талайгина. Аслида муаззам бу бойлигимизнинг чек-чегараси йўқ, лаҳжалару шеваларимизда, маданий-илмий меросимизда қанчадан-қанча сўзларимиз ўз рўёбини кутиб турибди. Мазмунни ҳақиқий воқеликка боғлайдиган бундай тиллар дунёда жуда оз учрайди. Тилимиз тартиб-қоидаларига, сўз ясалиш қолатларига разм солсангиз, халқимизнинг жуда ажойиб бир хусусиятини намоён қилиб турганини кўрасиз. Ўзбек халқи сўзларни ҳеч қачон ҳавойи, хаёлий воқеаларга боғламайди, балки теваракда кечаётган воқелик билан бирга тасаввур қилади ва бу хусусият тилимизда жуда чиройли тарзда акс этади. Мисол учун, "қалбимда қуёш чарақлади", "ҳаётимга баҳордай бўлиб келдингиз", "қулун бўлиб елди", "осмонимда ойдай балқдинг" каби иборалар бағридаги ҳам мазмунга, ҳам манзарага маҳлиё бўлмай илож йўқ. Бундай мисоллар бениҳоя кўп ва шаҳар-қишлоқларимиздаги оддий сўзлашув тилида хазиналар мисоли яшириниб ётибди. Шу маънода, давлат миқёсидаги мазкур эътибор тилимизга қайта жон бахш этиши, гуллаб-яшнашига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Шуни ҳам қайд этиш керакки, тарихимизда она тилини давлат миқёсида байрам қилиш ва уни қонун билан белгилаш биринчи бор рўй бераётган кўламли ҳодисадир.

Тараққиёт технологиялари дейилганида, Ўзбекистонда илм-фан ривожига жуда катта эътибор берилаётгани улуғ жараён. Илм-фанимиз ривожланган сайин мамлакатимиз обрў-эътибори, тилимиз равнақи ошиб боради, албатта. Масалан, сўнгги технологиялар асосида олимларимиз яратган "Равнақ", "Порлоқ", "Барака", "Саховат" пахта навларига Ҳиндистон, Миср ҳамда қўшни давлатлар қизиқиш билдирмоқда, бу ихтиролар олимларимиз ютуғи билан бир қаторда тилимизни ҳам кўз-кўз қилмоқда. Шундай эзгуликларнинг барчаси "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган ҳаётбахш шиор остида амалга ошаётгани ғурур уйғотади. "Тикланиш" сўзи, муайян сабабларга кўра, қадди эгилиб қолган кишининг қад ростлашини, куч-қудратини тиклашини билдирса, "юксалиш" улуғ марраларни забт этиш маъносини англатиши ҳаммага аён. Янгиланишлар шиддати ва улуғ мақсадларга шайланиш жараёнлари аро маънавиятимизнинг, маърифатимизнинг қони-жони бўлмиш она тилимиз эъзозланиб, Ўзбек тили байрами куни эълон қилинишининг ўзиёқ катта бир тантанадир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 апрель, 58-сон







ДИЁНАТЛИ ОДАМ ЕРГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙДИ

Фаровон турмуш манбаи

Мирислом УСМОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгаши депутати

Ер — Яратганнинг бебаҳо неъмати, улуғ инъоми. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга моддий асос бўлади. Томорқа ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилувчи заминимизнинг бир бўлаги.

Таҳлилларга қараганда, томорқада экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига нисбатан 2-3 баробар юқори туради. Негаки, деҳқонлар бозор талаблари, қолаверса, табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, маҳсулот тайёрлашга ихтисослашувни тўғри йўлга қўяди. Масалан, бизнинг Тошкент туманидаги "Шамсиобод" маҳалламизда 476 та хўжалик бор. Аксариятида помидор, бодринг, лимон ва кўкату гуллар етиштирилади. Ҳудудимиз анча баландрокда жойлашгани учун кўклам кечроқ, куз эртароқ келади. Бундай пайтда иссиқхона жонга ора киради. Шу боис, 1,5 дан 3 сотихгача бўлган иссиқхона қурган оилалар сони юздан ортиб кетди.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида кўнглимиздаги гапларни айтди. Томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар тажрибасини кенг жорий қилиш ҳам керак. Мана қўшним Шарифжон Ҳасановни олайлик.

Савдо дўконини юритиш билан бирга, ҳовлисининг тўрт сотихига иссиқхона қурган. Айни пайтда унга экилган помидорлар пишган, пешма-пеш бозорга жўнатиляпти. Эртаиндин унинг ўрнига бодринг ва резаворлар экилади. Кейин яна бозорбоп маҳсулот етиштиришга ўтилади. Хуллас, йилига уч марта ҳосил олади, даромади 50 миллион сўмдан ошса-ошадики, кам бўлмайди.

Бунинг устига олти сотихли ҳовлисининг қолган қисмига мевали дарахтлар экган. Ёз ойлари ишкомлардаги узумлар ва ҳовлидаги гуллар хонадон файзига-файз қўшади. Бир сўз билан айтганда, рўзғор бут, хонадон обод, оила мустаҳкам.

Ўзим ҳам саксонга қараб бораётганимга қарамай, икки сотихли ерда нeвараларга бош бўлиб, рўзғорбоп экинлар экаман. Ярим сотих иссиқхонада турли-туман гуллар ва уларнинг кўчатларини етиштирамиз. Фойдаси ҳам чакки эмас, 15 миллион сўм атрофида қўшимча даромад келиб туради.

Президентимиз бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади. Лекин маҳалламизда ҳам шундай хонадонлар борки, улар ўз томорқаларига экин экади, ё экмайди. Унумдор ер йил бўйи қаровсиз ётади. Яқинда бундай хонадонларга бирма-бир кириб чиқдик. Амалий ёрдам сифатида кўчатлар тарқатдик, ҳаттоки, айримларининг томорқасига экиб ҳам бердик.

Тўғри, маҳалламизда бундай кишилар кам, нари борса, беш фоиз атрофида чиқар. Лекин ҳар бир маҳалладаги ана шундай миқдорни туман, вилоят ва республика бўйича умумлаштирилса, анчайин катта рақам ҳосил бўлади. Шунинг учун, энг аввало, туман кенгаши депутатлари бу борада сектор раҳбарлари билан олиб бораётган ишларни янада қатъий йўлга қўйишимиз, томорқадан унумли фойдаланишга қаратилган ҳар бир имкониятни ишга солишимиз зарур.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидай, "Ҳозирги синовли даврда томорқа ерларига экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртга ва ерга нисбатан хиёнат, деб баҳоланиши керак." Диёнатли одамда Оллоҳ берган улуғ неъмат — ерга нисбатан хиёнат қилинса, у дунёю бу дунё кечирилмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Жаҳонгир САФАРОВ,
Каттақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Бугун юртимизда ерга муносабат ўзгарди. Бир қарич ердан унумли фойдаланиб, яхшигина даромад олаётган, рўзғорини фаровон, дастурхонини тўкин қилаётган ватандошларимиз фаолияти бунга яққол мисол бўлади.



Ер — хазина, калити — меҳнат

— Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 10 сотих ерда иссиқхона ташкил қилдим, — дейди Каттақўрғон туманидаги Мўминхўжа номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилшод Раббимов. — Барча ер майдонига помидор кўчати эккан эдик. Маҳсулотларимизни бозорга чиқарганимизга 2 ойдан ошди. Ҳозиргача 20 тоннадан кўпроқ помидор сотдик. Помидор ҳосилини йиғиштириб олишимиз билан ниҳоллар орасига экилган бодрингни парвариш қилиб, уни ҳам бозорга олиб чиқамиз. Август ойигача бодринг сотамиз ва яна шу ойда помидор кўчатлари экишга киришамиз. Хуллас, иссиқхонада йил давомида 3 маротаба маҳсулот етиштириб, даромад оламиз. Шунингдек, 10 бош қорамол ва 50 бош қўйимиз ҳам бор. Маҳалламиздаги савдо дўконига сут, қатиқ топширамиз. Уйники бўлгани учун маҳсулотимизга талабгорлар кўп. Ҳозир томорқа атрофидаги зовурда балиқчиликни йўлга қўйишни ҳам режалаштириб турибмиз. Бундан ташқари, келгусида яна 30 сотих ер олиб, лимон етиштирмоқчимиз.

"Мундиён" маҳалласида яшовчи Ғолиб ака Омоновнинг 12 сотихли томорқасини кўрсангиз ҳавасингиз келади. Унинг бир четида 1,5 сотихли иссиқхона қурилган. Бу ерда 8 туп лимон дарахти ўсмоқда. Иссиқхонанинг очиқ майдонида помидор ва бодринг етиштириляпти. Томорқа майдонининг каттагина қисмини узумнинг "Келинбармоқ" ва "Ризамат ота" навларидан иборат 84 туп ток эгаллаган. Уй эгасининг эътирофича, ҳар йили бу токлардан 5 тоннагача узум йиғиб олади. Бу эса оила бюджетига камида 20-25 миллион сўм даромад келтиради.

Ғолиб аканинг томорқасида бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Дарахтларнинг тагига, эгатларнинг четига кузда сабзи, саримсоқпиёз ва турли кўкатлар экилган. Уй олдидаги супанинг ўртасида эса турли гул кўчатлари парвариш қилинаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, ҳозир айни баҳор фасли эмасми, томорқа ям-яшил, атрофда қийғос гуллаган мевали дарахтлар, анвойи ифорлар ҳар қандай киши баҳри-дилини қувнатиб, уни меҳнатга, ғайрат ва шижоатга чорлайди.

— Шу супадаги гул кўчатларининг ўзидан ҳам анча-мунча даромад оламиз, — дейди Ғолиб ака. — Алоэ каби доривор гул баргини сўраб келувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман. Қишлоғимизда ҳамманинг томорқаси бор. Лекин аксарият ҳамкишлоқларим йил бўйи биздан турли кўкатлар сотиб олади. Уйининг олдига бедами, маккажўхорими экиб, "мен камбағалман" деган кишиларни кўрсам, хафа бўлиб кетаман. Аслида 10 сотих томорқаси бор киши бой бўлади. Ерга чинакам меҳр бериб ишласак, у бизни камбағал қилиб қўймайди. Мен буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман.

Ўтган йили "Намунали томорқачи" кўкрак нишонига сазовор бўлган кекса миришкор деҳқон Ғолиб ака Омоновнинг бу гапларига қўшилмай иложимиз йўқ. Зеро, ерга бўлган меҳримиз туфайли халқимиз дастурхонига файз ва тўкинлик улашилади, меҳнатимиз ортидан эса ҳалол даромад манбаига эга бўлинади. Қолаверса, инсониятга коронавирус пандемияси хавф солиб турган бугунги мураккаб вазиятда томорқаларда йилда 2-3 маротаба экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифамиз бўлиши зарур. Шу боис, томорқачилик билан шуғулланиш учун ҳали ҳам кеч эмас. Асосийси, иш бошлашдан чўчимасак бўлди.

Ҳар қадамда зар, ҳар қаричда гавҳар

Томорқачи — "Дўстлик" ордени соҳиби



Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида тарқалган хушхабардан ажабланганлар бўлгани бор гап.

Ойнаи жаҳонда айтилиб, газеталарда ёзилган хабар ростдан ҳам камёб — ёши улуғлар учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолат эди. Яъниким, Хонқа туманидаги Олажи қишлоғилик кекса ўқитувчи Анбар Раҳимова томорқачилик фаолияти учун орден олибди!

Ҳақиқатан ҳам, воҳа тарихида томорқачининг орден олиши, яна денг "Дўстлик" ордени нишондори бўлиши ягона ҳолатлиги билан кўпчиликни ҳайратлантирди.

Қаҳрамонимиз Анбар Раҳимова келин бўлиб тушган хонадон эгаларининг етти насли уста деҳқон. Қайнотаси Саъдулла ака Раҳимовнинг умри далада ўтиб, шу ҳалол меҳнати эвазига "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвонига сазовор бўлган. У кишининг ерга бўлган меҳри фарзандларига ҳам ўтган. Айниқса, келини Анбарга.

Ҳаммаси тўрт йил олдин бошланди. Пенсияга чиқиб, дарслари камайиб қолган Анбар опа оила томорқасида иссиқхона қуриш ташаббуси билан чиқди. Аслида, бу оиладагилар олдин ҳам томорқасидаги бир қарич ерни бўш қўймас, шу парча ердан икки ва ҳатто уч марта ҳосил олар, қўшимча даромадлари ҳисобига тўкин яшарди.



Улар каттагина маблағ сарфлаб, иссиқхона қураётганида "Нима қиласизлар шунча миллионни йўқ қилиб, ўрнига янги чиққан машинадан биттасини олиб мининглар!" деганлар бўлди.

Дастлабки йили сарфланган барча харажатлар қопланди, иссиқхона озмас, 60 миллион сўм соф даромад келтирди. Йиллар ўтиши билан даромад ошиб бораверди. Ва кўп ўтмай, машина ҳам олди, тўйлар ҳам ўтказишди. Ўшанда енгил автомобиль олишни маслаҳат берганлар эса ҳозир машина олиш орзусида ҳалиям қайсидир юртларда ишлаб юрибди.

Анбар опа оиласидагилар куз оёғида иссиқхонага помидор, бодринг каби сабзавотлар уруғи экади. Баҳор бошламасида янги кўчатларни Хонқа, қўшни Боғот ва Ҳазорасп бозорларида сотади. Аксар кўчатларни узоқ-яқиндан одамларнинг ўзлари келиб олиб кетади. Иссиқхонада миллионлаб сабзавот кўчати етиштирилишини айтсак, ҳар туп нихол арзимаган йиғирма-ўттиз сўмдан сотилса ҳам... у ёғини ўзингиз ҳисоблайверинг. Кўчатлардан бўшаган ерга яна сабзавот экилади ва ёз бошларигача ҳосили пишиб етилади. Кейин сал дам олган ерга экилган навбатдаги сабзавотлар ҳосили қиш кунларида бозорга олиб чиқилади.

— Болаларимиз доимий кўмакчиларимиз, — дейди оила бошлиғи Абдулла ака Раҳимов. — Баъзан нeваларни ҳам бирикки соат иссиқхонага олиб чиқамиз. Бу билан уларда меҳнатга кўникма, энг асосийси, ерга меҳр уйғонади. Ота-боболаримизни боқиб келган тупроғимиз нақадар саховатли эканини англайди. Бўш вақтларини беҳуда ўтказмайди.

Хонқанинг Олажа қишлоғи аҳли қадимдан томорқа деҳқончилиги билан бутун воҳада тилга тушган. Қишлоқнинг "Ойдин ҳаёт" маҳалласи асосан замонавий намунали жойлардан иборат. Аммо маҳалладагиларнинг аксари кичик томорқаларининг бирор қарич ерини бўш қолдирмайди. Бу билан, аввало, ўз оилаларининг сабзавотларга бўлган эҳтиёжларини қоплайдилар, ортиқчасини бозорга чиқариб, мўмайгина даромад ҳам қилинади.

Хонқа тумани ҳокими ўринбосари, **маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ҳожибой Абдураҳмонов** туманда бу соҳада амалга оширилаётган ишларни қисқача бундай ифодалади: "Президентимиз кескин континентал иқлимга эга воҳада иссиқхоналарни жадал кўпайтириш бўйича берган топшириқлари самараси жуда қувонарли. Уч йил олдин туманда элликата иссиқхона бор эди, ҳозир уларнинг сони икки мингдан ортди. Мен бу ерда замонавий технологияларга асосланган йирик иссиқхоналарни эмас, аҳоли томорқаларида қурилган иссиқхоналар сонини айтяпман. Шундан бозорларимиз йил ўн икки ой тўкин. Нархлар мўътадил. Юртбошимиз ташаббуси билан кенг ёйилган бу савобли иш самарасини, айниқса, бугунги карантин шароитида яққол кўриб турибмиз".

Президентимиз коронавирус пандемиясига қарши курашда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказган видеоселекторда ўртага ташланган масалалар, куннинг мутлақ кечиктириб бўлмас вазифалари ҳақида ўйлаётиб, беихтиёр олажаликлар кўз ўнгимга келди. Ҳар куни ишга қатнаш асносида уларнинг ўз томорқаларида нимадир билан машғул бўлиб юришларига кўзим тушавериб, кўникиб кетганман. Ва афсуски, ҳар қандай фаслни "қиш уйқуси"да ўтказишга одатланган қанча одамлар борлигини ҳам биламан. Уларга олажаликларни намуна қилиб кўрсатгим келади.

Ҳосилдор заминимизнинг имконлари кенглиги, ҳар босган қадамимизга зар сочиши, меҳнат қилсанг ҳар қарич ери сенга гавҳарлар келтириши мумкинлигини чуқур англайдиган вақт келди. Буни вазият тақозо қиляпти.

Дарвоқе, вилоятда қўшимча томорқасидан тўла унум билан фойдаланаётган олажаликлар тажрибаси сўнгги йилларда кенгаймоқда. Боғот туманидаги Деҳқонбозор, Урганч туманидаги Қорамон қишлоқлари бунга мисол. Булар ҳақда мавриди келса ёзармиз.

Таллимаронликлар тажрибаси томорқада асқатади



Усмонали НОРМАТОВ

"Юқори Таллимарон" маҳалласи аҳолиси томорқадан унумли фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга. Уларнинг меҳнатсеварлигию тадбиркорлигига Ангор туманидаги бошқа маҳалла ва қишлоқлардагилар ҳавас қилади.

— Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар тажрибасини кенг жорий қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Бизнинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудимизда бундай тадбиркорлар жуда кўп, — дейди мазкур маҳалла раиси Раҳмиддин Эшонов. — Ҳар йилнинг апрель-май ойларида қишлоқларимиздан қарийб 300 минг тонна эртаги карам, саримсоқпиёз, булғор қалампири, лавлаги, бодринг, помидор ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари республикамизнинг катта шаҳарлари ҳамда Қозоғистон, Россия бозорларига жўнатилади.

Маҳалла аҳли тасарруфида 198 гектар томорқа бўлиб, шунинг 30 гектарида саримсоқпиёз, 100 гектарида карам, 20 гектарида гулкарам, 15 гектарида лавлаги, 15 гектарида эртаги пиёз ва бошқа зироатлар парваришланмоқда. Қишлоқларни кезсангиз, ҳамма томорқада плёнка остида турфа зироатлар яшнаб турганига гувоҳ бўласиз.

Бугун одамлар плёнка остида зироат ўстиришдан кўра, ихчам иссиқхоналар барпо этиб, эртаги маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашмоқда. Ҳозир маҳалла ҳудудидаги Заминобод, Боғи эрам, Хандакли, Эшонобод, Учариқ қишлоқларида ҳар хил ҳажмдаги жами 100 та иссиқхона қурилиб, эртаги экинлар парваришланяпти. Ҳар бир иссиқхона ҳисобига оилаларнинг икки нафардан аъзоси ишли бўлган.

Хушбоқ бобо Холиқов томорқасининг 6 сотихида иссиқхона қуриб, анчадан буён помидор, бодринг парваришлайди. Ҳозир иссиқхонадаги "Бўрон" навли помидор ниҳолларининг 3 минг тупи шиғил-шиғил ҳосил туккан. Помидорларнинг олди қизара бошлади.

— Эрта-индин ҳосилимизни бозорга чиқарамиз ва то августгача сотамиз, — дейди Хушбоқ бобо. — Охирги пайтда Сурхондарё шароитида очиқ майдонларда помидор етиштириб бўлмай қолди. Энди ҳосил қизара бошлаганда помидорнинг пояси қуриб қолади. Шунинг учун ҳар йили иссиқхонада бу экинни парваришлаймиз. Помидор серҳосил экин, мўъжазгина иссиқхонада 7 тоннагача помидор етиштирамиз.

Тажрибали деҳқон Ғулом Жумаев 20 сотих майдонда етиштирган гулкарамни Россиядан келган харидорларга сотиб, 70 миллион сўм даромад қилибди. Аммо у оила аъзолари билан бирпас бўлса ҳам бўш ўтирмаяпти. Ерни экин қолдиғидан тозалаб, ўғит солиб, дон учун маккажўхори экмоқда.

Яна бир тажрибали деҳқон Сафар Худойқулов томорқасида карам, саримсоқпиёз, лавлаги етиштириб, йилига 80 миллион сўмлаб даромад қилади. Боз устига, фермер хўжаликларининг ғалладан бўшайдиган еридан 2-3 гектарини ижарага олиб, кечки қовун экади, ошковоқ етиштиради. Унинг етиштирган қовунлари то февраль ойигача бозорларда сотилади.

Маҳалла аҳли томорқаларида фақат эртаги маҳсулотлар етиштириш билан чекланиб қолмай, мевали боғлар яратиш ҳамда юқори ҳосил етиштириш бўйича ҳам мақтовга лойиқ ишларни бажараётир. Масалан, Заминобод қишлоғида яшовчи Бозор Бўтаев оиласи 30 сотихли томорқасида 300 туп анор ўстириб, бир неча йилдан бери анор пишиғида 5-6 тоннадан мева сотади. Оиладаги икки ўғил — Шерали, Жаҳонгир ва уй бекаси Тожихол Элиқулова доимий иш билан банд. Анор дарахтини ўғитлаш, ортиқча ва ҳосил бермайдиган шохларни буталаш, суғориш каби йил-ўн икки ой давом этадиган заҳматли меҳнатга чидаган кишигина анор ейди. Оила аъзолари ҳар мавсум 200-300 дона анор қаламчалари сотиб ҳам мўмай даромадга эга бўляпти.

Қишлоқда томорқасини яшнатиб қўйиб, ҳовлисининг бир четидаги бостирмада 15-20 бош қорамол, 30 бошдан кўпроқ қўй, 100 тадан кўп товуқ боқаётган Қаҳҳор Аллаёров, Ботир Бобонов сингари уддабуронлар ҳам оз эмас.

Маҳалла гузарларини кезганимизда ибратли бир тажрибага гувоҳ бўлдик. Баъзи одамлар томорқасига кўкат экишни уддалай олмаётган бир пайтда, 70 ёшли отахон Парда Ражабов қишлоқнинг ўртасидан ўтувчи катта зовурнинг атрофидаги қамиш ўсиб ётган дўнгликларни текислаб, мевали дарахтзор барпо этди. Дарахтлар орасида эса ҳар йили нўхат, ловия, ошковоқ экиб, ҳам оиласини таъминламоқда, ҳам қўни-қўшниларига улашаркан. Бу ўзбекнинг феълига хос бир хислат. Бўш жой кўрдими, экин экади, дарахт ўстиради.

Маҳалланинг тадбиркор томорқачилари ҳар йили янги уйлар қуряпти, тўйлар қиляпти. Енгил автомашинасиз хонадоннинг ўзи йўқ. Маҳалла фаолларининг айтишича, 400 оиланинг "Дамас" автомашинаси бор. Чунки бу техника томорқачилар учун юк ташишга ҳар жиҳатдан қулай.

— Тўрт йилдан бери маҳаллада раисман. Одамларимиз нафақат меҳнаткаш, балки жуда аҳил, бири-бири билан иноқ ҳам. Бировнинг бошига иш тушса, дарҳол ёрдамга шошилади, — дейди оқсоқол Раҳмиддин Эшонов. — Бир йил аввал Гулчеҳра Эгамбердиеванинг турмуш ўртоғи касалликка чалиниб, вафот этди. Аёлнинг икки нафар фарзанди бўлиб, бири ногирон. Қўли узун одамлар кўмаги билан унинг ҳовлиси четида уч хонали янги уй қурдик. Кимдир цемент келтирди, кимдир 100 та шифер, яна бировлар 40 та ёғоч олиб берди. Ёшлар ғишт қуйди. Қишлоқ усталари бир ой ичида уйни тиклади. Бева аёл Гулноз Абдураимова ҳам қишлоқ тадбиркорларининг бегараз кўмаги туфайли уч хонали уйли бўлди. Шу йилнинг бошида элнинг кўмагида чин етим Турғун Хўжамбердиевнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Қишлоқ боғбонлари ёш оилага кўмак бўлсин, деб томорқасига 250 туп анор кўчатини экиб берди, кимдир телевизор туҳфа қилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ҳолидан доимий хабарлашяпмиз.



Яна бир гап. Аҳолимиз барча учун оғир бўлган шу кунларда Президентимиз ва врачлар даъватига амал қилиб, уйида томорқа ишлари билан банд. Болалар эса масофадан ўқиш билан шуғулланмоқда. Энг муҳими, ҳеч ким ваҳимага, саросимага тушаётгани йўқ.

Дарҳақиқат, кетмон дастасини суқса кўкарадиган олтинга тенг тупроғимиз бор. Ундан самарали фойдалансак, даромадимиз ортади, турмушимиз фаровонлашади. Буни "Юқори Таллимарон" маҳалласининг уддабурон деҳқонлари амалда исботлаяпти.

"Обод қишлоқ" дастури — амалда







ЧЎЛ ҚЎЙНИДА КЎРКАМ ЧАМАН

Ю.А.ГАГАРИН

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Гагарин шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бир ярим йил аввал кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Бунинг учун "Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш комиссияси ташкил қилинди. Комиссия аъзолари шаҳар маҳаллаларини уйма-уй айланиб, ҳал қилиниши лозим бўлган 2 мингдан зиёд муаммоли ҳолатни аниқлади, сўнгра уларни бартараф этишга қаратилган "йўл харитаси" тузилди.

Собиқ пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биносида 3 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани натижасида ушбу ишхона пайдо бўлди. Бу ерда замонавий уйларга кўчиб ўтган оилалардаги уй бекалари ва коллежларни битирган қизлар "Тадбиркор аёл" уюшмаси кўмагида тикувчилик касбига қайта тайёрланиб, иш билан таъминланди. Корхонада йилига 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

"Мирзачўлни обод қилиш бўйича ишларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз. Мақсадимиз одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш", деган эди ўшанда Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бажарилган юмушлардан қониқиш ҳосил қилган ва "Энди Мирзачўл бошқа туманларга қараганда икки, уч қадам олдинда юриши керак", деганди. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари туман аҳли учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ҳудудимиздаги бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда, — дейди туман ҳокими Комил Холмуродов. — Айни кунларда шаҳарда яна 2 та кўп қаватли турар жой биноси қад ростламоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 ташаббус ижросини таъминлашга мустаҳкам замин бўлиши кутилаётган Ёшлар истироҳат боғи қурилиши якунига етаётир. Китоб дўкони, амфитеатр, сузиш ҳавзаси, болалар ўйин ва спорт майдончалари, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига оладиган ушбу мажмуа нафақат ёшлар ва болажонларимиз, балки бутун туманимиз аҳлининг севимли масканига айланишидан умидвормиз.

Бугун Мирзачўлда ўнлаб миллат вакиллари оға-ини бўлиб, аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Туман маркази дарвозасига ўрнатилган "Чўлқуварлар" монументини, "Боғбон" маҳалласи ҳудудида қад ростлаган муҳташам ўзбек-қозоқ маданият уйини, кўпчиликнинг севимли масканига айланган "Овул" мажмуасини, яна ўша — Марказий Осиёдаги энг баланд, деб тан олинган Юрий Гагарин ҳайкалини ана шу аҳиллигининг чинакам тимсоли дейиш мумкин.

— Ўтган йилнинг апрель ойида Россия Федерацияси Давлат думасининг Мудофаа масалалари қўмитаси раиси, Россия қаҳрамонлари уюшмаси президенти Владимир Шаманов бошчилигидаги делегация туманимизга ташриф буюрди, — дейди шаҳардаги ўзбек-қозоқ дўстлик уйи раиси Ўтеп бобо Сейдеменов. — Меҳмонлар Мирзачўлда амалга оширилган ишларга тан берди. Делегация раҳбари Шаманов асли шу юртда вояга етган. У Москвага қайтар чоғи Гагарин шаҳрида космонавтлар ва чўлқуварлар музейини ташкил этиш бўйича таклиф билдирди. Бу таклиф туманимиз раҳбариятига маъқул тушди. Айни пайтда ўлкашунослик музейи ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошланиб кетган. Насиб қилса, карантин кунлари ортда қолгандан кейин уни фойдаланишга топширамиз.

Бугун коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар доирасида Гагарин шаҳри кўчаларида ҳам сокинлик ҳукмрон. Туман ҳокимлиги бошчилигида аҳоли орасида пандемиядан сақланишга чорловчи тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тиббиёт бирлашмаси ва санитария-эпидемиология осойишталик маркази бу борадаги ишларга 200 нафар малакали ходимни жалб қилган. Маҳаллалар ҳудудлари, кўчалар, деҳқон бозори ва савдо шохобчалари мунтазам равишда дезинфекция қилинаётир.

Махсус ишчи гуруҳ жойларда нарх-наво барқарорлигини доимий назоратига олган. Марказдан олисдаги қишлоқлар аҳолиси учун зарурий 20 хил истеъмол маҳсулоти 10 тага яқин кўчма автодўконда жойларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

— Карантин деб бошқа долзарб ишларни унутиб қўйганимиз йўқ, — дейди туман ҳокими ўринбосари Холмўмин Ўроқбоев. — Туманимиз ҳудудидаги янгидан фаолият бошлаган шифер, газобетон, пластик идиш, техник спирт ишлаб чиқариш, дуккакли экинлар ҳосилини қайта ишлаш корхоналари карантин тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда қисман фаолият кўрсатмоқда. Зеро, бу корхоналар маҳсулотининг катта қисми экспортга йўналтирилади. Дарвоқе, "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида иш бошлаган яна бир тикувчилик мажмуаси "Мирзачўл чеварлари" ҳам карантин кунлари муҳим вазифани тўлиқ ўз зиммасига олган. Аҳолимиз эҳтиёжи учун зарур бўладиган тиббий ниқобларни мана шу корхона жамоаси тикиб бермоқда.

Туман деҳқонлари ҳам барча тиббий чораларини кўриган ҳолда 14 минг 700 гектар майдондаги ғаллани парваришлаш, 7 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экиш ишларини давом эттирмоқда. Томорқа эгалари эса 500 гектарга яқин майдоннинг бир қаричини ҳам бўш қолдирмаслик ҳаракатида.

Хуллас, бугун Мирзачўл тумани, унинг маркази Гагарин шаҳри юртимизнинг энг гўзал ва обод гўшаларидан бирига айлаб бормоқда.

Шундан кейин бош режа асосида давлат ва жамоат бинолари қад ростлай бошлади. Ҳудуддаги бошпанага муҳтож бўлган оилаларга 160 та намунавий арзон уй-жой қуриш учун ер ажратилиб, қурувчи пудратчиларга тақсимлаб берилди. Қурилиш ашёлари, зарурий техника келтирилиб, мингга яқин ишчи кучи жалб қилинди.

Бир йўла электр таъминотини яхшилаш, тоза ичимлик сув келтириш, табиий газ тармоғини тортиш ишлари ҳам авж олиб кетди. Шаҳар кўркини бузиб турган ноқонуний ва қўлбола қурилмалар бузилди. Марказий кўча бўйлаб қатор кўп қаватли уйлар барпо этилиши бошлаб юборилди. Хотира майдони, Маданият ва истироҳат саройи, замонавий шифохона, 200 ўринли тикувчилик корхонаси, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг чорва моллари учун 300 бош йирик ва майда шохли молни парваришлаш имконини берувчи чорвачилик мажмуаси қурилиши бошланди. Қисқаси, дастур доирасида шаҳарда шунчалик кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилдики, бугун уларнинг барчасини санаб, адоғига етиш қийин.

Президентимиз 2019 йилнинг январь ойида "Обод қишлоқ" давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар натижалари билан танишиш мақсадида Мирзачўл туманига ташрифи чоғида Гагарин шаҳрининг "Ғалаба" маҳалласидаги "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишган эди.

Электрон хизмат

Ҳужжатларни уйда имзоланг!

Фаррух НОРМУРОДОВ,
Янги технологиялар илмий-ахборот маркази мутахассиси

Коронавирус пандемияси даврида давлат сизу биз, халқимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қайғуряпти, ғамхўрлик қиляпти. Бунинг эвазига биздан талаб этилаётгани ўзимиз ва ўзгаларни асраш — уйда бўлиш, холос. Мана шундай мураккаб вазиятда давлатнинг бундай катта саъй-ҳаракат ва харажатларини оқлаш учун аксарият ташкилот ходимлари масофадан туриб, меҳнат қилмоқда. Чунки шароит ўзгарди, аммо ижтимоий масъулият ўша-ўша: юрт ривожига ҳисса қўшиш, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш.



Корхонадаги ишларни уйда бажаришнинг ўзига яраша масъулияти ва машаққати борлиги рост. Лекин рақамли технологиялар қулайликларидан унумли фойдаланилса, масофанинг мутлақо аҳамияти бўлмайди. Масалан, "Электрон ҳужжат алмашиш" (ЭҲА) автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида уйдан туриб ҳам иш ҳужжатларини расмийлаштириш, юбориш ёки қабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш мумкин.

Қулай, содда, тезкор

Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан ишлаб чиқилган ушбу тизим давлат солиқ хизмати органлари фаолиятига татбиқ этилиб, қоғоз ҳужжатларнинг тўлиқ электрон шаклда айланишини таъминламоқда. Ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо(ЭРИ)га эга бўлиш керак. Бу электрон ҳужжат қоғоз шаклидаги ҳужжат билан тенг ва бир хил юридик кучга эга бўлишининг асосий шартидир. Ҳар бир ҳужжатда уни юборувчи юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг исми-шарифи, лавозими акс этади.

Тизим орқали электрон ҳужжат алмашиш жараёни оддий ва осон: юборувчи ҳужжатни яратади. Уни электрон рақамли имзо билан имзолайди ва қабул қилувчига юборади. Ҳужжат қабул қилувчига етиб бориши учун бир неча сония кифоя. Агар ҳужжатда бирор камчилик бўлса ёки тузатиш талаб этилса, қабул қилувчи уни имзолашни рад эта олади. Юборувчи эса "Юборилган", "Қабул қилинган", "Имзоланган", "Келишилган", "Рад этилган" ҳолатлар ва уларнинг вақти, яъни ҳужжат ҳаракатини мунтазам кузатиб бора олади. Қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар тизимнинг "Архив" бўлимида жамланиб боради.

2019 йил сентябрь ойидан давлат солиқ хизмати органларида ЭҲАнинг янги имкониятларга эга талқини амалиётга жорий этилди. Жумладан, тизим фойдаланувчилари "SMS хабар юбориш" функцияси орқали ўзаро мулоқот қилиши ва ахборот алмашиши таъминланди. "Электрон почтага хат юбориш" функцияси ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади. Шунингдек, ташкилот ҳужжат айланиши тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш имконига эга бўлди. Янгиликлар ва хабарлар бўлими ишга тушди. Мазкур ҳужжат қачон, ким томонидан яратилган, ким билан келишилган ёки имзоланган, ижро муддати ёки назоратдан олинган вақтига оид маълумотлар билан "Электрон ҳужжат тарихи"да танишиш мумкин бўлди. Ҳужжатлар тафсилотини яратиш ва таҳрирлаш ҳам тизимнинг янги имкониятлари қаторидан жой олди.

Солиқ тўловчиларга юборилаётган ҳужжатлар шу тизим орқали имзоланиб, унинг "шахсий кабинет"ига автоматик тарзда етказилади. Ундаги QR-кодни сканерлаш орқали пайдо бўлган линкка кириб, электрон ҳужжатни асл нусхаси билан солиштириш, яъни ҳақиқийлигини текшириш имконияти мавжуд.

Энди уйда ҳам тизимдан фойдаланиш мумкин

Янги технологиялар илмий-ахборот маркази "Электрон ҳужжат алмашиш" автоматлаштирилган ахборот тизими қулайликларини янада кенгайтириш борасида ҳар доим изланишда. Мисол учун, ҳозирги карантин шароитида уйда туриб ҳам ЭҲА тизимидан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Марказ мутахассислари томонидан ЭҲА мобиль иловаси ҳам ишлаб чиқилган. У давлат солиқ органлари ходимларига исталган жойдан туриб, электрон ҳужжат алмашиш тизими орқали келган электрон топшириқларга нисбатан мобиль қурилма ёрдамида турли амаллар бажариш имконини беради. Фойдаланувчининг телефонига янги топшириқлар ҳақида хабарлар ўз вақтида келиб туради.

ЭҲА мобиль иловаси раҳбарлар учун ҳам айни муддао. Чунки унинг ёрдамида исталган вақт ва манзилда ҳужжатларни имзолаш, топшириқларни масъул ижрочиларга йўналтириш, ижросини назорат қилиш мумкин.

Мобиль иловада ҳодим нечта топшириқ ижросини таъминлашга масъул экани аниқ-равшан кўриниб туради. Топшириқларни олдиндан режалаш имконияти ҳам мавжуд. Унга кўра, бугун, эрта ва индин қайси топшириқлар ижроси таъминланиши кераклигидан тизим огоҳ этади.

"Электрон ҳужжат айланиш" тизими нега муҳим?

Харажат тежалади. ЭҲА тизими қоғоз харажатларини сезиларли даражада тежайди. Келинг, ҳисоблаб кўрамиз: шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича тизим орқали чиққан хатлар сони 635 мингтадан ортиқни ташкил этмоқда. Ҳисобкитоб қилсак, жорий йилнинг уч ойи мобайнида биргина юборилган электрон ҳужжатлар эвазига 3,1 тонна қоғоз тежаб қолинди.

Мана шу қисқа вақт ичида ЭҲА тизими орқали 440 мингта электрон ҳужжат кирим қилинди. Агар улар ўртача икки варақ деб ҳисобланса, тежамкорлик ҳажми 4,4 тоннага етади. Демак, бу борада изоҳга ҳожатга йўқ.

Бундан ташқари, ушбу тизим ҳужжатларни етказиб бериш, рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқлаш вақтини камайтиради. Ахборот алмашиш ва ҳужжатларни қайта ишлаш харажатларини ҳам қисқартиради. Ташкилотдаги қоғоз ҳужжатлар сонини кескин камайтиради.

Ҳужжатлар йўқолмайди. Бегона шахсларнинг қўлига тушиб қолмайди, электрон архивда марказлаштирилган ҳолда ишончли ва хавфсиз сақланади.

Иш жараёни автоматлашади. Электрон ҳужжатни яратиш, имзолаш, ўзгартиришлар киритиш автоматик тарзда амалга ошади. Ходимлар ва раҳбарият ҳужжатни қоғозда тузатиши ёки қайта ёзиши шарт эмас.

Вақт ва жой танламайди. Бир ҳужжатни ташкилотнинг барча ходими бир вақтнинг ўзида кўра олади. Натижада ташкилотда ягона ахборот макони яратилади. Корпоратив маълумотларга кечакундуз кириш имконияти пайдо бўлади.

Хуллас, вақт тежалиши, харажатлар қисқариши ва иш унуми ортиши марказнинг мазкур лойиҳаси самарасини амалда намоён этиб келмоқда. Бу жиҳатлар, айниқса, ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар бир ташкилот, ҳар бир ходим учун янада муҳим ва долзарб бўлиб турибди. Шундай экан, ишхонадаги бурч ва вазифаларингизни уйда "Электрон ҳужжат айланиш" тизими билан тез ва осон бажаринг. Хулоса ва баҳо ўзингиздан.

Муносабат

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР муҳофазаси янада кучайтирилади

Бошланиши 1-бетда

2019 йили қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинган. Мисол учун, Учкўприк туманида жойлашган "MEHRIGIYO" хусусий корхонаси шифобахш ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, экспортга йўналтириш бўйича кўп йиллардан буён фаолият юритади. Ҳозирги кунда мазкур корхонада 150 нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминланган, юздан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, корхонанинг йиллик айланма маблағи 4 миллард сўм (шундан экспорт қиймати 200 минг АҚШ доллари).

Корхона ишлаб чиқарган шифобахш чойлар, шифобахш неъматлар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари Россия, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига кенг миқёсда экспорт қилинмоқда.

Президентимизнинг шу йил 10 апрелдаги "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳанинг ривожланишида янги саҳифа очиб беришини таъкидлаш зарур.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларни доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Доривор ўсимликлар кластерлари, доривор ўсимликлар етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчилар томонидан 2023 йил 1 январгача қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган хомашё, шу жумладан, маданий плантациялар барпо этиш учун уруғ ва кўчатларни, ускуналар ҳамда махсус техникалар, шунингдек, фитобарлар учун вендинг автоматлари божхона божидан озод қилинади.

Бунда вендинг автоматлари фақат фитобарлар ташкил этиш учун божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли йўналтирилади.

2020 йил 1 июндан бошлаб тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратидаги Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бошқармасига айлантирилади.

Тегишли вазирлик ва идораларга доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, уруғчилиги ва оналик кўчатзорларини ташкил этиш учун халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг маблағлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Эндиликда камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш) ва ташқарига олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратиладиган квотанинг камида 50 фоизи ҳажмида табиий плантацияларни барпо этиш шарти билан берилади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Фанлар академияси биргаликда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, уларни табиий плантацияларга барпо этиш йўли билан тиклаш чораларини кўради.

Албатта, мазкур қарор билан доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган барча чора-тадбирлар соҳани ривожлантиришга, энг асосийси, табиат бизга берган табиий дориворлар ёрдамида фуқароларимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимизнинг бугун тилларга тушган фармонига ҳам ўша собит сабоқ моҳияти сингган. Қийин эришилган ғолиблик ёдгорлари бирин-кетин кетиб бормоқда. Аммо уларнинг сабоқлари, фидойилик сабоқлари биз билан яшаб қолади. Инсон фавқулодда бир қудрат билан эзгу мақсадга интилса, ғолиблик у томонда, деган ишончни, аскарона ишончни биз ҳам келажак авлодларга бешикаст етказишимиз шарт. Бу — қарзимиз, бурчимиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 апрель, 58-сон



Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

Жасорат қаримайди

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Биз шу синовли кунларда бир-биримизни қалб билан эшитяпмиз: "Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан уруш фахрийлари ва ногиронларига 10 миллион сўмдан мукофот бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекибдилар. Бугун давлатимиз хазинасидаги маблағ саломатлик учун зарурат бўлиб турганида эълон қилинган бу фармонни жасорат ичидаги жасорат сифатида баҳоламоқ керак..."
"Бу фақат тирикларга — ўша даҳшатли жанггоҳлардан омон қайтганларга кўрсатилаётган эҳтиромгина эмас, ер юзининг турли тарафларида хоки сочилиб қолган марҳум жангчилар хотирасини ҳам қардлашдир. Чунки фахрийларимиз Президентимиз ҳадясини қабул қилар эканлар, ўша оғир кунларда бирга жанг қилган, мина парчасими, дайди ўқми тегиб, тирикликдан насибаси узилган қуролдошларини ҳам ёдлайдилар".

Юртдошларимиз айни пайтда мени дилимдан ўтаётганларни сўзма-сўз айтмаётгандир, лекин қалбларидан шундай ҳиссиётлар кечаётгани аниқ.

Ахир, Ўзбекистонда бу адолатсиз урушга дахлдор бўлмаган бирор инсон борми? Бу босқинчиликнинг мақсади шу қадар баҳайбат эдики, унга қарши чиқиш учун фақат бир-икки миллат эмас, бутун-бутун халқларнинг бирлашуви талаб этиларди. Бошланган жанг кўлами шу қадар кенг эдики, унинг йўлини тўсишга миллионлар эмас, миллиардлар чиқиши шарт эди. Расмий маълумотларда Ўзбекистонимиздан 1,5 миллион киши урушда иштирок этгани айтилади. Эҳтимол, ҳарбий комиссарликда қайд этилган рақамдир бу. Аслида ўша пайтда 6 миллионлик халқ бўлсак, бу муҳорабада ҳамма иштирок этган. Бешикдаги, йўргакдаги, эмакдаги ёки энди йўлга кирган гўдаклар-чи, дерсиз? Уларнинг аналари шу кичкинтойларнинг ризқларидан қирқиб, даласида қолган буғдойдан бошоғигача, пахтанинг сўнгги чигитигача фронтга жўнатмадими? Ҳатто ҳозир ҳам 1941-1945 йиллар орасида гўдак бўлган, бугун умр вафо қилиб яшаб юрган кексаларга: "Урушнинг боласисан-да, ўпкангнинг нозиклиги, илигингнинг кейинчалик ҳам тўлмай қолганининг сабаби шу", деб қўйишади. Қадди букилган, тиши тўкилган отахонлар, онахонлар ишга ярамаса-да, кечаю кундуз қилган дуолари билан бу Буюк ғалабага ҳисса қўшган. Ҳа, уларни ҳар хил айтамиз. Ҳар хил таърифлаймиз:

— Қаҳрамон аскарлар;
— Орден ва медаль соҳиблари;
— Ишчи батальонларида хизмат қилганлар;
— Фронт орқаси жабҳасининг меҳнаткашлари;
— Бедарак йўқолганлар...
— Номаълум аскарлар...

Қандай айтмайлик, уларнинг бари бош ҳарфлар билан ёзилиши керак бўлган инсонлардир. Улар, мана, 75 йилда ҳам қаримаган, яна 100 йил ўтса ҳам навқиронлигича қоладиган жасорат тимсолларидир. Бу баландпарвоз гаплар эмас. Ўзбекистон бу урушга аввал эр йигитларини йўллади — танлаб-танлаб... Қизларини, ор-номус тимсоли бўлган, уларни шамолларга ҳам раво кўрмайдиган, жони ичида асрайдиган қизларини фронтга юборганига нима дейсиз? Мен хизмат вазифам тақозосидан улардан бир нечтаси билан суҳбатлашишга муяссар бўлганман. Ажойиб шифокор, ҳаётда ҳам жанггоҳлардагидек темир интизомли Муқаддам Ашраповани эслагим келди.

— Биз оилада фақат қизлар эдик. Кўни-қўшнилар, қариндош-уруғлардаги йигитлар бирин-кетин жангга кетар, отам раҳматли кузатиш маросимларидан қайтгач, анча пайт бошини қуйи солиб ўтирарди. Ичимда бир сезги: "Отам бизларнинг бирортамиз ўғил бўлиб туғилмаганимиздан, урушга бора олмаслигимиздан хижолат бўляпти", дердим. Бора-бора бу хижолатлик ҳисси менга-да ўтди ва шифокор бўлиб ишлаб юрган жойимдан ариза бериб фронтга кетдим...

Бу хотираларни жангсиз тинч кунларда ҳам сиқилиб гапириб берган (эслаш осон эмас-да). Муқаддамга, умуман, муқаддамларга қиз бола боши билан миналар портлаб, ўқлар учиб юрган жанггоҳларда хизмат қилиш, ярадор жангчини елкалаб, бехатарроқ жойга олиб чиқиш қанчалар оғир бўлганини тасаввур қилишнинг ўзи кишини толиқтириб юборади. Азиза Қаландарова, Зебо Ғаниева... Улар оз эмасди. Асли озар қизи бўлса-да, Тошкентнинг нонтузини еб, шу тупроқдан аскарлар соясига қўшилган Зебо Ғаниева мерган эди. У ҳақида, унинг жасорати ҳақида ҳатто қўшиқлар тўқилган. Уруш ўт ичидагиларни ҳам, бу жаҳаннамдан ташқаридагиларни ҳам матонатга, жасоратга, интизомга ўргатди. Бахти чопиб, она юртга ғалаба билан қайтганларнинг ҳам кўксида ана шу туйғулар мустаҳкам ўрнашган эди.

Мактаб даврига қайтгим келяпти. Юқори синфда ўқиётганимизда мактабимизга Қурбонбой Султонов деган тарих ўқитувчиси келган. Шу муаллимни бизга синф раҳбари этиб тайинлаганлар. Устозимиз биринчи дарсданоқ бизга ўзларининг уруш иштирокчиси эканини айтиб:

— Мен синфда фронтча тартиб ўрнатаман, — деганлар ва биз кунма-кун бу "фронтча тартиб"ни ўзлаштира борганмиз: кимдир бирор айб иш қилиб қўйса, айбини мардларча тан олиш, чақимчилик (устозимиз буни "сотқинлик" дер эдилар) қилмаслик, яхши баҳо ҳам, ёмон баҳо ҳам, яхши хулқ ҳам, ёмон хулқ ҳам — ҳамманики!

— Агар чорак якунида "3" баҳога ўзлаштирадиган 5 нафар синфдошинг қолса, мен аълочиларнинг "5"ини худбинлик деб ҳисоблайман, — дер эдилар. Биз бир-биримиз учун суюнадиган, бир-биримизни суяйдиган яхши жамоага айландик. Тўғри, биз устознинг идеалидек бўла олмадик, чунки бу ғайриоддий тарбия анча суягимиз қотгач, бошланган эди. Лекин ҳали-ҳануз менинг ичимда ўша интизомнинг парчалари яшайди. Мен нега олис ўтмишимдаги бу воқеаларни майдалаб гапиряпман? Чунки бугун 75 ёшга — донишмандлик фаслига кирган уруш характери Ғалабадан кейинги йилларда ҳам бизнинг ҳаётимизда ижобий роль ўйнаган эди. Фронтчилар-фронтовиклар деганда, одамлар аксарият ҳолларда жисмонан майиб, аммо руҳан бутун инсонларни тушунарди.

Ўқиган факультетимизнинг декани, раҳматли фольклорчи олим Ўринбой Холматов ҳам уруш иштирокчиси эди. Бир оёғини ғайриоддийроқ ташлар, курсдошлар орасида "оёғи ясама экан", деган шивир-шивирлар юрарди. Мактабдаги Султонов домламиз нечоғлик қатъиятли бўлса, Холматов домла шу қадар меҳрибон эди. Иккинчи курсдалигимизда бир қизимиз ўғил бола курсдошимиз билан ётоғида ёлғиз дарс қилиб ўтирганида, қизнинг дадаси келиб қолган. Дадаси:

— Сен ҳали ўғил бола билан ёлғиз ўтирадиган бўлдингми? Бунақада бир кун мени номусга қўясан, ўқитмайман! — деб қизини олиб кетган.

Холматов домламиз биз — курс фаолларини йиғиб:

— Болалар, мен инсоннинг қадри чумоличалик бўлмаган кунларни кўрганман. Худди сизларнинг ёшингизда бахтга, касбга, ўқишга ета олмай, йигит-қизларнинг қанчаси ўққа учиб кетган. Сизларга шундай замон насиб этибди. Бир-бирингизнинг, ҳар бир кунингизнинг қадрига етинг. Отасининг дилига йўл топиб, ўша курсдошингизни қайтариб олиб келинглар, ўқиши увол бўлмасин, — деган. Биз домланинг айтганини қилганмиз. Ўша курсдошимиз кейинчалик маориф соҳасида катта ютуқларга эришди. У раҳбар бўлган мактабдан юзлаб иқтидорли болалар етишди...

Ҳа, уруш иштирокчилари ҳақида хотиралар қай бир нуқталардадир яхшиликка бориб туташаверди. Улуғ шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг: "...Ғамхўр қилиб қўйдинг сен мени, ўлим...", деган ибратли сатрлари бор эди. Тўғри, ярим Европани тўзғитган, миллионлаб инсон умрига зомин бўлган, бизнинг ҳам қанча хонадонларимизни бошчисиз қолдирган, аёлларни ҳам ота бўлиб яшашга мажбур қилган, беҳисоб оналарнинг кўксига ҳижрон тиғини санчиб, бир умр азобга гирифтор қилган бу урушнинг одамзод учун сабоқлари ҳам бор эди: бу инсоннинг азизлиги, ёруғ оламда яратган амри билан яралган ҳар нарсани — вақтни, иқтидорни, қуёш, ой, ер, сув, ҳаво — барча-барчасини эъзозлаш, қадрлаш, асраб-авайлаш кераклиги...

Президентимизнинг бугун тилларга тушган фармонига ҳам ўша собит сабоқ моҳияти сингган. Қийин эришилган ғолиблик ёдгорлари бирин-кетин кетиб бормоқда. Аммо уларнинг фидойилик сабоқлари биз билан яшаб қолади. Инсон фавқулодда бир қудрат билан эзгу мақсадга интилса, ғолиблик у томонда, деган аскарона ишончни биз ҳам келажак авлодларга бешикаст етказишимиз шарт. Бу — қарзимиз, бурчимиз.

Аждодлар мероси

Уста Бақо қурган боқий минора

Маннон ОТАБОЙ,
журналист

Бухорои шарифнинг энг қадимий меъморий обидаларидан бири Минораи Калон Ўрта Осиёдаги бетакрор ёдгорлик ҳисобланади. У 1127 йилда қорахонийлардан бўлмиш Арслонхон томонидан барпо этилган. Яна етти йилдан сўнг унинг қурилганига 900 йил тўлади.

Бухоро қалъаси девори яқинида бўлган эски минора бузилганидан сўнг ва бошқа масжид шаҳар ичкарисига кўчирилгандан кейин янги минора қуришга киришилган. Янги минорани фақат пишиқ ғиштдан қурадилар. Унга ноёб шакл берилади, кейинчалик унинг шаклига ўхшаш бир қанча миноралар қад ростлайди Миноранинг пойдевор қисми қарийб 10 метр чуқурликда жойлашган, энг паст қисмининг айлана диаметри 9 метрга тенг.

Орадан тўққиз аср ўтган бўлса-да, тарихий обида одамзод ва табиатнинг барча инжиқликларига бардош бериб, кўкка бўй чўзиб турибди. 1920 йилда шўро саркардаси Фрунзенинг буйруғи билан аэропландан ўққа тутилиб, бомбардимон қилинганда ҳам у мағлуб бўлмаган. Шунингдек, 1976 йил 26 апрелда Бухоро вилоятининг Қизилқум чўли бағрида рўй берган кучли зилзила ҳам Минораи Калонни яна бир марта синовдан ўтказганди.

— Зилзила содир бўлган куни эрталаб соат 8:30лар чамаси Бухоро шаҳрининг аксарият аҳолиси, жумладан, мен ҳам Минораи Калонга зарар етмадимикан, дея Регистон томон чопиб боргандик, — дейди шаҳарда яшовчи Исмоил Саломов. — Кўзларимга ишонмадим, минорамиз мағрур турарди, кексалар уни тавоф қилиб, юм-юм йиғларди. Қариялар уни шу даражада мустаҳкам қилиб қурган усто Бақонинг руҳига Қуръон тиловат қиларди.

Бундай умри боқий обидаларни қуриш унинг соҳибидан жуда катта билим, тафаккур ва иқтидор талаб қилади. Аждодларимиз закосини, башарият цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунё тан олиши бежиз эмас. Минораи Калон ҳам ана шундай бебаҳо бойлик маҳсули. Унинг қурилишига эътибор берсангиз, фикримизга қўшилишингиз табиий.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, меъмор боболаримиз қурилиш ишларини юксак илм-фан тажрибаларига асосланган ҳолда Марказий Осиё иқлимига хос ва мос тарзда олиб борган. Минораи Калоннинг баландлиги 50 метрга яқин бўлиб, мезанага олиб чиқадиган зиналари усто Бақо исмли меъмор томонидан парма (винт) қоидасига асосан қурилган. Ғарбда эса бу усул фақат XVIII асрда инглиз олими Жеймс Клерк Максвелл электромагнит майдон индукция чизиқларининг йўналишини аниқлашда қўллагандан сўнг машҳур бўлиб кетди.



Диққат билан кузатган киши Минораи Калон асосидан то мезанасигача тўлиқ илм-фан талаблари асосида барпо этилганига гувоҳ бўлади. Иншоот пойдевори кўпбурчак ва босим қонуниятлари асосида қурилган бўлиб, юксакка кўтарилган сайин бинонинг юқори қисми торайтирилган. Асос юзи қанча катта бўлса, пойдевор юзасидаги босим шунча кам тушиш қоидасига мувофиқ қурилиш олиб борилган. Умумий кўринишда эса шамол қаршилигини камайтириш учун цилиндр ва конус шаклларидан фойдаланилган. Минора мезанасини қуришда ғиштлар масса маркази қонунияти бўйича терилган бўлиб, оғирлик кучи барча тарафга бир хил тақсимланган.

Минораи Калон жоме масжид томи билан кичик кўприк орқали боғланган. Ушбу кўприкчадан ўтиб, миноранинг ичига кириш ва айланма ғишт зинадан унинг тепасидаги супачасигача кўтарилиш мумкин. Зина 105 поғонадан иборат. Миноранинг томоша супасидан Бухоронинг ажойиб манзараси ҳамда унинг кўрғон деворлари қолдиқларини ҳам кўрса бўлади.

Огоҳлик — давр талаби

СЕН! СЕН! СЕН!

Буюк Абдулла Қодирийдан кўчирма.



Айни баҳор айёмини ҳаром қилди, отинг ўчгур бу иллат! Қанчадан-қанча юмушим бориди, увол қилди барини, ярамас! Бу хумса дунё аҳли умумияни олдига солиб қувганидан ақлим лол десангиз!

Ўзи зарра бўлса-ю, тожга бало борми?! Тожинг билан қўш мозор бўлгур! Яхшики, ҳукумат ҳушёр, юрт Эгаси, эгалари беҳаловат! Бой бўлгур дўхтурларни айтайинми?! Кифтини юлдуз босгур мелисаларнинг тун-кунни унутганларидан наҳ урайинми?! Умри-ҳаётидан барака топгурлар! Ота-энасига олқиш-офарин барчаларининг! У томон ғарбия-ю, бу томон шарқиянинг дарди бир — талафотнинг пайини қирқиш. Илло, айтмасам адолатга хиёнат бўлар, ташвиқот денгизи ҳам кун-тунни унутган: беармон ёзмоқда, айтмоқда, кўрсатмоқда. Инонаманки, буларнинг ҳеч бири бесамар эмас! Во дариғ, илло-билло зарра муҳорабаси беталафот қолмаётур...

Афсус, савобли ниятлар, мақсадлар якдил-якранг бу кунларда нафси шайтонга алданиш, яъниким шайтон измига гумроҳларча лақилловчилар учраётгани куфримга ўт қаламоқда, яхшилар! Биласиз, ҳақиқат — очиб сўзлашда. Инчунин, камина матбуот риоясини хатм қилғон, ўқиған бир банда эсам-да, адаб доирасидан чиқсам, номи ўчгур малъун зарра қўлтиғига сув пуркаётган овсарларга айтар сўзим шу: бунга мен эмас, сен бенават. СЕН! СЕН! СЕН!

Наҳот, жоҳиллик, лақмалик қотиллик эканини англаб етмасанг? Тўй-ҳашамга бало борми? Йиғин-маъракага бало борми? Дабдабага, ҳою ҳавасга тўймагур, лодон?! Ҳой, ҳокимлар! Мошин ҳайдашга рухсат йўқ бўлса, эшакка терс миндирингларр ўша фармони олийга бўйсунмаётган калтафикрларни! Сазойи қилинг кўчама-кўча, кино қилинг, театру қилинг, бетавфиқларни! Дард хавфидан фориғ этувчи хос хоналар — карантинхоналарни сўроқсиз тарк этиш касаллик уруғини урчитиш билан, демакки, ғирт жиноят, бориб турган қотиллик билан баробар эканлигини унутаётган така думбулларни терс мингаштиринг ўша ҳанги уловларга!

Фармони олий кўнгулхушлик учун амр этилмайди, қатъий мажбурият учун, ижро учун иғлон қилинади. Эмин-эркинлик, эркалик-тантиғлик, суюлмачоқлик кетмайди бугун, ҳой, хом сут эмган банда!

Ҳой китоб кўрмаган оми, кўчага чиқиб бировнинг бошини егунча, уйингда ўтириб, ўзингнинг ошингни е, деб неча қайта уқдириш керак, сенга, хумсанинг дояси?! Омилик ҳам эви билан-да, сўкир мия! Нима? "Заррангга бўш келадиган анойи йўқ!" дединги? "Зарранинг ноғорасига ўйинга тушадиган сўтак йўқ!" дединги? Лунжингга тўрт қат ниқоб тутиб айтяпсанми бу сўзларни ё бениқоб-ми? Юзта бениқоб дўстдан битта ниқобли ғаним афзал, деган гаплардан хабаринг йўқми, қулоқ-зеҳни томнинг остида қолгур? Вой, отангнинг арвоҳи чирқирамагур! Вой, бола-чақангнинг тўйларини кўргур! Чапанилик-жоҳиллик ҳам эви билан-да, мусулмон! Номаъқул бузоқнинг гўштини чайнагунча, истискага кўзингни очиб қара! Кун сайин, соат сайин заҳарланганлар, бевақтдан-бевақт оёқ чўзганлар сони ортиб бораётганига сўқир кўзларингни тўлдириб-тўлдириб қара! Ақлинг, фаросатинг фалаж бўлмаса, фурсат ғаниматда этагингни йиғиштириб ол! Кўзинг мошдай очилгунича, кўздай оч кўзингни, кўр бўлмагур!

Таъна-маломатлар оғир. Хоссатан, янгилик-юксаклик сари қадам ташлаган халқимиз учун ўринсиздек. Йўқ, ўринсиз эмас, зинҳор, зинҳор.

Ҳайтовур, не-не теша тегмаган, илон пўст ташлайдиган нордон кўча сўзларимдан тийилдим (керак бўлса, уларни ҳам сизлар билан баҳам кўраргa тайёрман). Маним, қўндоқда теккан ёхуд онадан туғма бир адабсиз-ярамас қилиғим бор — пайрави келганда риоя, андиша гапларни ёддан чиқариб, чўрттаки бўламан-қўяман. Шу куннинг СЕН, СЕН, СЕН сингари аҳли овсарларга қарата айтар лутфи шундай, ҳозирнинг сўзи шундай!..

ҚОДИРИЙ-ЖУЛҚУНБОЙ ҳазратларига таассуб қилувчи қулингиз Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
ёзувчи

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1135.
43642 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:45 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15